

Одам савдоси Глобал муаммо !



Дунё халқларининг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши курашиш барчанинг эътиборида қолмоқда. Жиноятчиликнинг бу мудҳиш турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида БМТнинг бир қатор тавсиявий ва мажбурий ҳарактерига эга бўлган ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан “Одам савдосига ва учинчи шахс томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида”ги 1949 йил Конверсия “Қуллик ва қул савдосини, Қулликга ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча конверсия 1956 йил, “Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳақида”ги конверсияни тўлдирувчи “Одамлар айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома 2000 йил шу тоифадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Бундан ташқари одам савдосига қарши курашиш юзасидан Давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2005 йил МДХ доирасида “Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида”ги келишув 2006 йилда 8 аъзо мамлакат доирасида “одам савдосига қарши курашишнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастур” қабул қилинган эди”. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалаларига оид миллий қонунчилигимизда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Бундан ташқари ХМТ ва Халқаро миграция ташкилотининг 6 та конверсия ҳамда протоколлари ратификация қилинди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлиги учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг ҳамда жиноят кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

БМТ маълумотларига кўра дунёда ҳар йили тахминан 2 млн 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 млрд ақш долларида ошиб кетган. Ташвишланарлиси одам савдоси жиноятида жабрланганларнинг 80 % аёллар ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб

кетилиб сотиб юборилмоқда. Бугунги кунда одам савдосининг 3 та кенг тарқалган кенг тури мавжуд бўлиб булар Жинсий эксплуатация (фохишабозлик), мажбурий меҳнат ва одам аъзоларини сотишдир.

Бу жиноятнинг асосий сабаби таг замирига назар ташласак маънавий қашшоқлик, очкўзлик дунёга хатдан ташқари хирс қўйиш ва нафсига қул бўлишликни кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик йўлга қўйилган холда амалга оширилса ўз самарасини беради. Зероки одам савдоси кечириб бўлмас, оғир гуноҳ.

Жиноят ишлари бўйича

Олтинсой туман судининг раиси

К.Назаров